*Республикамиз зарбдор қурилишларида*

***Наманган вилоятида, яна ҳам аниқроғи Чуст ва Тўрақўрғон туманларининг оралиғида қурилаётган Резаксой сув омбори иншоотининг довруғи, аллақачон бутун Ўзбекистонга ёйилган. Истиқболда мамлакатимиз иқтисодий тараққиётида муҳим аҳамият касб этадиган ушбу улкан қурилишда бугунги кунда юзлаб ишчилар меҳнат қилмоқдалар. Мустақиллигимизнинг 14 йиллиги яқинлашган сайин уларнинг жонбозлиги янада ортмоқда.***




# РЕЗАКСОЙ СУВ ОМБОРИ

Биз иншоотни айланиб қайтганимизда қуёш ўз ётоғига бош қўяётган эди. Маълумки, ой ҳам, қуёш ҳам ботаётганида она замин билан бир кунга бўлса-да, хайрлашаётганидан афсуслангандек тағин ҳам ёрқинроқ нур сочадилар. Бинобарин, офтобнинг қиялаб тушаётган нурларида сув омборининг деярли 14 чақиримлик ўзани ҳам худди кафтда тургандек кўринарди.

– Иншоот қурувчилари учун қуёш ботаётганлигининг ҳам, чиқаётганлигининг ҳам аҳамияти йўқ, - дейди қурилиш штабидан бизга ҳамроҳлик қилаётган Баҳодиржон Ҳайдаров. – Чунки бизда иш 3 сменада ташкил этилган.

Бўлажак сув омбори ўзанида ишлаётган ўнлаб экскаватор, трактор, юк ташувчи автомашиналарга кўз ташлайману, қурилиш бошлиғининг ўринбосари Шамсулло Сатторов билан мулоқотимизни эслайман. У кишининг айтишича, водийда юз бериб турадиган сув камчиллиги муаммоларини бартараф этиш учун олдинлари ҳам худди шу ерда омбор қуриш масалалари кўтарилган. Аммо у маҳалда битта ҳовуз ёки муболағаси билан айтганда, сойга кўприк қуриш учун «марказ»дан рухсат олишга тўғри келган. Рухсат сўралган ҳам. Лекин «юқорида» ўтирганлар бугун сарфланадиган бир сўм маблағнинг «индинига» эмас, «эртасига» фойда беришлигини ўйлабгина розилик берган. Шу тариқа улар худди шу ерда, икки адирлик оралиғида, қиш ойларида беҳуда оқадиган Сирдарё сувини «қамаб олиб», экинларни суғориш даврида фойдаланиш юзасидан таклифни қўллаб-қувватлашмаган ва қоғозда қолиб кетаётган эди. Шукрларким, истиқлол – Тўрақўрғон ва Чуст туманлари чегарасидаги адирликлар ўртасида сув омбори қуриш орзусини ҳам рўёбга чиқариш имкониятини берди. Шу йўналишда яхши ниятлар билан тузилган режалар кўриб чиқилди. Мамлакатимиз ҳукумати уни қўллаб-қувватлади ва мақсадни амалга ошириш учун 26 миллиард сўм маблағ ажратилди.

Бўлажак сув омборини барпо этишни «Тўпаланг-сув ГЭС қурилиш» очиқ акциядорлик жамияти ўз зиммасига олган. Бундан ташқари, бу муҳим қурилишда Наманган вилоятидан 18 та пудрат ташкилотлари ва автохўжаликлар, қурилиш-монтаж бошқармалари ҳамда хусусий фирмалар иштирок этмоқдалар.

– Шу кеча-кундузда қурилиш ишларимиз, айниқса, тобора қизиб авжига чиқиб бормоқда, - гапида давом этади шеригим. – Масалан, бир сменада 25 куб метргача бетон ётқизилмоқда. Тупроқ, тош майдалаш бўйича белгиланган режалар ҳам доимо ортиғи билан адо этилаяпти.

Биз экскаваторчилар ёнига борганимизда экскаватор машинисти Эркин Турсуновни кунлик иш режасини 200 фоизга ортиғи билан бажарганлиги учун табриклашаётган экан. Шунингдек, скрейперчи ва бульдозерчилар, автомашина ҳайдовчилари орасидан Эркинжон сингари белгиланган режани 1,5-2 ҳиссадан ошириб иш бажараётганлигининг гувоҳи бўлдик. Яна шу нарсага хурсанд бўлдикки, қурувчиларнинг унумли меҳнат қилишлари учун барча шарт-шароит яратиб берилган.

Бунёдкорлар омбор тўғонининг биринчи навбати қурилишини олдин кўзда тутилгандек ноябр ойида эмас, балки истиқлолнинг 14 йиллик байрамигача туғаллашга бел боғлашган. Бу уларнинг байрамга ўзига хос совғаси бўлади.

**О.ЖУМАНАЗАРОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

*Чиноз туманидаги «Йўл тушган» ширкат хўжалиги аъзолари 322 гектар майдонга чигит қадаб, юқори ҳосил олиш ниятидалар. Айни пайтда қўшқатор ғўзалар ҳар йилгидан барвақт ва тез ривожланмоқда. Бу албатта, агротехник тадбирларнинг ўз вақтида ўтказилиши самарасидир.*

***Суратларда: хўжалик бош ҳосилоти (ўртада) Олимжон Саидаҳмедов, механизатор Эгамберди Назаров ҳамда бош пудратчи Ҳусниддин Норқуловлар; пахта даласига ишлов берилмоқда.***





# МЕҲНАТКАШГА КЎМАКЧИ, ИШОНЧЛИ ҲАМКОР

(Боши 1-бетда)

Уларнинг барчаси малакали ҳуқуқшуносларимиз томонидан ўз вақтида пухта ўрганиб чиқилиб, ижобий ҳал қилинди. Масалан, «Мадад» суғурта агентлиги вилоят филиалининг собиқ раҳбари Р.Яхшиликов салкам бир йил давомида меҳнат дафтарчасини ҳар хил важлар сабабли ололмаган. Оқибатда амалдаги меҳнат қонунчилиги талаблари қўпол равишда бузилган. Касаба уюшма аралашуви билан қонунбузарликка чек қўйилди. Меҳнат дафтарчаси ўз эгасига қайтарилиб, мажбурий бекор юрган кунлар учун иш ҳақи ундириб берилди.

*Касаба уюшмалари бугун*

Вилоят наркология диспансери ҳамшираси Наргиза Қосимова бир неча йиллар шифохонада фаолият юритган. Бу даврда у ўзига бириктирилган вазифаларни астойдил бажарган, ҳеч қандай интизомий жазо олмаган. Бироқ шунга қарамай маъмурият томонидан сабабсиз ишдан бўшатилган. Бу масала шифохона маъмурияти иштирокида кўриб чиқилди ва ижобий ҳал этилди.

Умуман олганда, 2000-2004 йиллар давомида 59 ҳолатда ишчи-ходимларнинг ноқонуний тарзда ишдан бўшатилгани аниқланди. Тегишли чора-тадбирлар кўрилганлиги туфайли 67 киши ўз вазифасига қайта тикланиб, мажбурий бекор юрган кунлари учун иш ҳақи ундирилди. Чунончи, Жиззах шаҳридаги «Лаззат» МЧЖ сотувчиси А.Мамадалиев, «Чимён» савдо хусусий фирмаси ишчиси М.Ҳайдарова, нефт маҳсулотлари корхонаси устаси З.Тагирова, Бахмал тумани почта алоқа бўлими ходими А.Жабборов, «Даштобод пахта тозалаш» ҲЖ ҳисобчиси О.Турғунова ва Жиззах туман сув оқова корхонаси оператори Р.Акрамова сингари ўнлаб ишчи-ходимлар касаба уюшмаларининг беминнат ёрдамидан баҳраманд бўлишди.

Амалдаги йилнинг ўтган ойлари давомида меҳнат қонунчилиги, ишдан бўшатиш, меҳнат муҳофазаси каби масалаларга доир 17 та шикоят хати келиб тушди. Уларнинг барчаси чуқур ўрганиб чиқилиб, қонуний чора-тадбирлар кўрилди. Кези келганда, вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси Кенгаши қошида аҳолига юридик хизмат кўрсатиш маркази самарали фаолият олиб бораётганлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Марказ ходимлари саъй-ҳаракати билан ишчи-ходимларнинг ҳуқуқий манфаатлари мустаҳкам ҳимояга олинган.

Саломатлик - энг катта бойлик. Оиладаги тинчлик-фаровонлик, ишдаги унум-самара аввало инсон саломатлигига боғлиқ. Муҳтарам Юртбошимиз томонидан жорий йилнинг Сиҳат-саломатлик йили деб эълон қилиниши зиммамизга катта масъулият юклади. Жамиятда соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш ва шакллантириш, жисмонан бақувват, маънан етук ёш авлодни тарбиялаш, спорт-соғломлаштириш ишлари кўламини кенгайтириш мақсадида махсус дастур-режа асосида фаолият олиб борилмоқда. Унга кўра корхона, ташкилот, муассасалар, ўқув юртлари қошида Сиҳат-саломатлик йилига бағишланган кўргазмалар, бурчаклар ташкил қилинган. Тадбирлар оммавий ахборот воситаларида мунтазам ёритиб борилмоқда. Бундан ташқари, йил давомида вилоятимиз туманларида яшаб меҳнат қилаётган қишлоқ хўжалиги ходимларидан 80 нафари республика санаторий ва курортларида соғломлаштирилади. Шу вақтгача қадар 24 нафар пенсионер, уруш ва меҳнат фахрийларига республика миқёсидаги сиҳатгоҳларга бепул йўлланмалар берилди. Бунинг учун 3,8 миллион сўм маблағ сарфланди.

Вилоят СЭНМ, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш ҳамда соғлиқни сақлаш бошқармалари билан ҳамкорликда 20 та корхонадаги санитария-гигиена ва иш шароитларини ўрганиб чиқиш режалаштирилган. Ҳозиргача «Ўзи-Жиззах», «Уздунробита», вилоят босмахонаси ва «Оҳак» ҳиссадорлик жамиятларида бу йўналишдаги ишлар охирига етказилди.

**Нусратилла ПАРДАЕВ,**
**Жиззах вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси Кенгаши раиси**

*Ўз ўрнини топган кишилар*

***Бу йилги баҳор сарибелликларга озроқ ташвиш ҳам келтирди. Айдар кўлининг кўпириб-тошиши натижасида “Дўнгалак” яйловларининг, бир қисмини сув босиш хавфи туғилди. Тошқиндан, айниқса қўшни “Абай” хўжалиги чорвадорлари катта зарар кўришди. Қўшқудуқ овулини сув босди, ҳатто хўжалик маркази Боймурод аҳолисини хавфсиз жойларга кўчиришди.***



# ЕРДА ҚОЛМАС ЧЎПОН ТАЁҒИ

Чўлликлар табиат инжиқликларига кўникиб қолишган. Қийинчиликларга матонат ва жасоратни қарши қўйишади. Ўрмон Кўкеновни бундан икки йил бурун хўжаликка раис қилиб сайлашганда, “Машҳур раҳбар ўрнини босолмасов” дегувчилар ҳам топилди. Лекин, Ўрмон деганимиз ишбилармон, ташаббускор чиқиб қолди. Устозлари, унга ишонч билдирган сарибелликлар юзини ерга қаратмади. Хўжаликда чорва туёқ сони 60 мингдан ошса ошдики, камаймади. Самарадорлик 80 фоиздан ошди. Ўтган хўжалик йили 370 миллион сўм соф фойда билан якунланди.

Олинган фойданинг каттагина қисмини маданий-маиший тадбирларга сарфланди. Овулдаги қаровсиз қолган хўжалик клуби қайтадан таъмирланиб, ёшлар ўйин-кулги қиладиган масканга айлантирилди. Гўзал ва шинам қариялар чойхонаси қад ростлади. Хўжалик идораси олдидаги мотамсаро она мажмуи ёшлар зиёрат қиладиган сўлим қадамжога айланди. Энг муҳими, чўлликлар тарихида биринчи марта спорт мажмуи қурилиши учун кенг кўламли ишлар бошлаб юборилди. Ҳудуддаги 5 та мактабга, овуллардаги спорт майдончаларини, қишлоқ врачлик пунктларини, кам қонли аёлларни ва болаларни соғломлаштиришга, кам даромадлиларни, якка-ёлғизларни ижтимоий ҳимоялашга ҳам кўплаб маблағ сарфланди.

Сарибелга саноат ҳам кириб келди. “Ушбас” кўп тармоқли фирмаси чўл бағрида очилган дастлабки қалдирғоч корхоналардан саналади. Ўрмон Кўкенов ташаббуси билан андижонлик тадбиркор Нозимжон Мамажонов ва бошқа 10 га яқин қўли гул усталар ишга жалб қилинди. Чўлда тери, жун деганинг сероб. Марказдан олис жойда саноатбоп муҳим хомашё худди кераксиз матоҳдай ҳовлиларда тўпланиб қолади. Уни қайта ишлаш эса аҳоли учун ҳам, хўжалик учун ҳам кони фойда. Шу мақсадда марказдаги фойдаланилмай ётган бино замонавий тарзда қайта таъмирланди. Тикувчилик, терини ошлаш ва қайта ишлов бериш, ундан бежирим курткалар, жакетлар ва чўпонлар учун қишки пўстинлар тикиш йўлга қўйилди. Кўп ўтмай бу ерда спорт жиҳозлари тикиш ҳам йўлга қўйилди. Энди олис чўл бағридаги мактаблар арзон ва сифатли “Ушбас” маҳсулотларини олишмоқда. Корхона қошида спорт клуби ҳам ишлаб турибди. Бу ерда ёшларга қўл жанги устаси, қора белбоғ соҳиби, республика тоифасидаги ҳакам Баҳодир Шермуҳаммедов маҳорат сирларини ўргатмоқда. Клуб аъзолари яқинда Фарғона вилоят биринчилиги учун ўтказилган спорт мусобақаларида етакчи ўринни эгаллашди. Хўжалик раҳбари Ўрмон Кўкенов яқинда аграсаноат мажмуи ходимлари республика Марказий Кенгаши аъзолигига сайланди.

- “Замон фақат чорва маҳсулдорлигини эмас, балки ундан чиқадиган маҳсулот сифатини ҳам яхшилашни талаб этмоқда, - дейди у. - Бунинг учун биз жаҳон бозорида харидоргир ва юқори баҳоланадиган Яссигул қоракўл териларини кўпайтиришни йўлга қўйдик. Ўзбекистон қоракўлчилик илмий-тадқиқот институти етакчи илмий ходими, қишлоқ хўжалик фанлари номзоди Амон Раҳимов ёрдамида Бухоро сури қоракўл қўйларининг Сарибел завод типи яратилди. Буни ўтган йилнинг 15 ноябрида республика патент бошқармаси ҳам тасдиқлади.

Хуллас, кечагина чўл деб номланган Сарибел қиёфаси бугун тамом ўзгариб кетди. Марказдан 150 - 200 километр олисликдаги Терикудуқ, Сарибел овуллари газлашиб, унинг қиёфаси кундан-кунга чирой очмоқда.

**С.АЪЗАМОВА,**
**“Ишонч” мухбири**



## КАСАНАЧИЛИК КОНИ ФОЙДА

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги Республика «Бандлик» жамғармаси ҳисобидан Фарғона вилоятидаги кам таъминланган аҳоли учун 1,5 миллиард сўмлик имтиёзли кредитлар ажратишга қарор қилди.

Тижорат банклари орқали бериладиган ушбу кредитлар ҳисобига бундай оилалар уйда касаначилик, хусусий ишлаб чиқариш ва ҳунармандчиликни йўлга қўйиши, паррандачилик ва чорвачиликни ташкил этиши мумкин. Бу кредит олган ҳар бир хонадонда бир нечтадан янги иш ўрни ташкил этилади, деганидир.

- Ҳозиргача вилоят бўйича маҳалла фуқаролар йиғинларига 4200 дан ортиқ оиладан имтиёзли кредит олиш учун ариза тушди, - дейди «Маҳалла» хайрия жамғармаси вилоят бўлимининг раҳбари Толибжон Ҳафизов. - Танлов асосида 1935 та оиланинг талаби қондирилди.

Бундан ташқари, қўшимча кредит ресурслари ҳисобига вилоятнинг Бағдод ва Бувайда туманларига 35 миллион сўмдан, Охунбобоев туманига 30 миллион сўм, Сўх туманига 150 миллион сўм, Фарғона туманига 100 миллион сўм миқдорида кредит ажратилиб, ушбу туманларда кичик бизнес субъектларини ривожлантириш йўлга қўйилмоқда.

## КУЙ ҚЎШИҚҚА УЛАНДИ

Самарқанд шаҳридаги «Мўъжиза» амфитеатрида «Битирувчи-2005» тантанали маросими бўлиб ўтди.

Вилоятдаги ўрта мактаблар, касб-ҳунар коллежлари ва олий ўқув юртлари битирувчилари иштирок этган ушбу тадбир олдидан улар учун «Бўш иш ўринлари ярмаркаси» ташкил этилди. Қатор корхона ва ташкилотлар мингдан зиёд бўш иш ўринлари билан қатнашган ярмаркада коллеж ва олий ўқув юртлари битирувчиларидан қарийб беш юз нафари ўзига муносиб иш топди.

Тадбирда таълим муассасаларини аъло баҳолар билан битирган бир гуруҳ ёшларга етуклик аттестатлари ва дипломлар тантанали равишда топширилди. Вилоятнинг таниқли санъаткорлари ижросидаги куй-қўшиқлар ёшлар шодиёнасига уланиб кетди.

## УСТОЗИДАН ЎЗГАН ШОГИРДЛАР

Андижонлик халқ амалий санъати усталари «Маҳалла уста-ҳунарманди» унитар корхонасининг дўкон шохобчалари орқали ўз маҳсулотларини сотишмоқда.

Эндиликда вилоятнинг турли жойларида яшаб ижод қилаётган уста-ҳунармандлар андижонликларга ва вилоятга ташриф буюрган чет эллик меҳмонларга кулолчилик, зардўзлик, каштачилик санъати маҳсулотлари, миллий дўппи, сўзана каби ўз ижод намуналарини таклиф этишмоқда.

Унитар корхона мутахассислари халқ амалий санъати сир-асрорларини ўрганишга бел боғлаган ёшларга ҳунар ўргатишга чоғланган маҳалла уста-ҳунармандларига кредит ажратишни йўлга қўйишди. Қўлида маҳалла фуқаролар йиғинидан кафолат варақаси бўлган уста-ҳунармандга 200 минг сўм миқдоригача кредит берилади.

Андижон шаҳар маҳалла фуқаролар йиғини фаолларининг хомаки ҳисоб-китобларига қараганда, «устоз-шогирд» тамойили асосида 200та уста ҳунарманд аъзо бўлган «Маҳалла уста-ҳунарманди» унитар корхонасининг имтиёзли кредитлари туфайли дастлабки пайтда 1200 нафар андижонлик ёш йигит-қизлар иш билан таъминланади.

*Сабоқ*

***Биринчи танишув жума намозидан бошланди. Фурқатга ҳамроҳи кўприкнинг уёғидан, яъни Ўш шаҳриданман деб таништирди. Кунлар ўтиши билан икковлон ўртасидаги муносабатлар янада қуюқлашди. Кунларнинг бирида ўшлик ҳамроҳ намозни кўплашиб ўқиса, савоб кўпайишини қистириб ўтди. Шу баҳона ўзига ғоятда қулай бўлган Қорасув масжидига ихлос қўйишни янги танишининг қулоғига қуйди.***

# БОШИНГГА НЕКИ КЕЛСА, ЎЗИНГДАН КЎР

Ғоятда содда, иймони суст Фурқат кимлар билан ҳамсуҳбат, ошно бўлаётганлигини чуқур ўйлаб ҳам кўрмади. Энди намоз ўқиш танишининг уйига кўчирилди. Ибодатдан сўнг қуюқ дастурхон тузалар, давра кенгайиб борарди. «Ўтиришлар» нинг бирида аллақандай варақалар, «ислом халифалиги» каби ярамас мавзуларда гап борди. Шунда Фурқат хавфли одамларга қўшилиб қолганини пайқади. Ернинг остида илон қимирласа сезадиган мезбон йигитнинг безовта бўлаётганлигини дарров пайқади. Кўрсаткич бармоғини ёш танишининг пешонасига тираб: кемага тушганнинг жони бир, орқага тисарилсанг, ўзингга жабр бўлади, деди.

... Фурқат Қорасув бозорида хусусий дўкон очиб, савдони авж олдириб юборди. Дўкон атрофида «таниши»нинг уйига жума намозидан сўнг йиғиладиган кимсалар пашшахўрда бўларди. Фурқат Ортиқовнинг ҳаёти қўрқув ва изтиробда кеча бошлади. У маҳалла-кўйдан узилиб қолди. Тўю маърака, ҳашарларга мутлақо қатнашмасди. Бу маҳалла оқсоқоли ҳамда бошқа фаолларни ўйлантириб қўйди. Кўп ўтмай Ортиқов «Ҳизб-ут-таҳрир» таъсирига тушиб қолганлигини, ярамас кимсалар уни хавфли йўлга бошлаётганлигини маҳалладошлар тушуниб етишди. Зеро, бундан тегишли идора ходимлари ҳам хабардор эканлар. Ўзаро фикрлашиб, йигитни ёвузлар чангалидан қутқариш, кимлар билан муомалада бўлаётганлигини ётиғи билан тушунтиришга жазм қилдилар.

Кечки пайт Қорасув шаҳар хотин-қизлар қўмитаси раиси Мухтасархон Ҳошимова, Бобур маҳалла маслаҳатчиси Эркиной Аҳмедова ҳамда оқсоқол Алишер Йўлдошевлар Ф.Ортиқов билан юзма-юз бўлишди. Улар жон койитиб йигитга жарлик томон кетаётганлигини тушунтиришга уриндилар. Бироқ у ҳеч нарсани эшитишни хоҳламади ва гердайганча хонадан чиқиб кетди.

Кўп ўтмай шаҳарнинг қайсидир чеккасида омма онгини заҳарловчи варақалар тарқатаётган бир нечта ёшлар қўлга олинди. Улар орасида Ф.Ортиқов ҳам бор эди...

Фурқатнинг ярамас оқим домига тушиб, қалтис ишларга қўл урганлиги ва оқибат-натижада қамалганлиги оиласи зиммасига ҳам катта юк бўлиб тушди. Бўйи етиб қолган Холисхонни узатиш, ўртанча ўғил Қодиржонни коллежга ўқишга жойлаштириш, рўзғор ташвиши, атак-чечак қилаётган кичкинтойнинг отасини қўмсашлари хонадон соҳибаси Каримахонни анча ўйлантириб қўйганди. Каримахон баъзан гўл, гердайган, маҳалла-кўй гапига кирмай куйиб қолган ва ёш умрини хазон қилаётган эрини койир, баъзан эса «Ҳизбутчилар» гўрига ғишт қаларди.

Аёлнинг кўзига олам қоронғу бўлиб кўринган оғир дамларда ҳузурига маҳалла маслаҳатчиси Эркиной кириб келди. У йиғин номидан кўнгил сўраб, барчалари кўмакка тайёр эканликларини маълум қилди. Шу куни хонадонга маҳалла фуқаролар йиғини томонидан моддий ёрдам кўрсатилди.

– Маҳалланг – отанг, онанг, деб бежиз айтишмас экан, – фикрини ифодалайди Каримахон Ортиқова. – Эримнинг терслигини, кўпнинг яхшилигини билмай, гердайишларини кечиришди. Эзилган чоғларимда маҳалладошларимнинг далдаси, амалий ёрдами кўнглимни тоғдек кўтарди. Қадрдонлар бўлмаганида ҳолимиз не кечарди, билмадим.

Боши деворга теккан, алданган, оиласини, жигарларининг юзини ерга қаратган Фурқатнинг сим тўрлар ортида кўзи очилди. Хатоларини тушунди. Гуноҳини то умрининг охиригача ҳалол меҳнат билан юважаклигини маълум қилиб, тегишли жойга мактуб йўллади. Кўп ўтмай Ортиқов Ўзбекистон Президентининг Амнистия тўғрисидаги Фармонига асосан озодликка чиқарилди. Инсонга эътибор, меҳрибонликни қаранг: унга тиббий ёрдам кўрсатилди, ўзини тутиб олиши учун шаҳар ҳокимлиги томонидан пул ажратилди. Маҳалла фуқаролар йиғини уни хусусий ошхонага ишга жойлаштирди.

Маҳалла оқсоқоли Алишер Йўлдошев билан суҳбатда бўлдик.

– Саккиз киши авф этилиб, шаҳримизга қайтиб келди, – дейди у. – Улардан уч киши маҳалладошимиз. Очиғи, баъзи ўринларда ҳушёрликни таъминлаш, ёшларга ўзаро талабчан ва эътиборли бўлиш борасида анчайин камчиликларга йўл қўйган эканмиз. Сабоқлардан хулоса чиқариб, ҳамжиҳат ҳаракат қилаяпмиз. Ярамаслар чангалидан қутилиб, бағримизга қайтган уч киши ширкат хўжалигига ишга жойлаштирилди.

Кўпчилик бир нарсани тўғри англаяпти. Огоҳлик — бу аҳолини ижтимоий ҳимоялаш, одамларни, айниқса, ёшларни муқим иш билан таъминлаш, меҳр-мурувват, саховатпеша тадбирларни кўпайтириш ҳамдир. Бу борада шаҳар «Бандлик» бўлими билан ҳамкорлик қилинмоқда. Тадбирлар ўз самарасини берди. Сўнгги бир йил ичида ҳунарманд оилалар кўпайди. Жумладан, Шаҳзодахон Холмирзаевалар хонадони тўй либослари, бежирим кийим-кечаклар, Бакиржон Асқаров эса ака-укалари, ўғиллари билан миллий ҳунармандчиликни ривожлантириш билан кўпнинг ҳурматига сазовор бўлмоқда.

Эндиликда Бобур Мирзо маҳалласи бутун водийда ҳунармандлар маскани сифатида танилган. Яқингинада Отажоновлар сулоласи янги иш ўринлари яратди. Маҳалладош ўғил-қизларни қовуштириб, кичик корхонани ишга туширдилар. Саховатпеша инсонлар сафи ҳам кенгайиб бормоқда. Масалан, Мулкдор Ҳасанбой Йўлдошев «Тез ёрдам» маркази қурилишига шахсий жамғармасидан катта маблағ ажратди. Иккита кам даромадли оила фарзандларининг суннат тўйларини ўтказишга кўмаклашди.

Куни кеча маҳаллада «Уч авлод» учрашуви ўтказилди. Табаррук инсонлар Дониёр Давронов, Исроилжон Худойқулов, Зиёдулла Мамахоновлар шўро замонасида не-не қийинчиликларни бошдан кечирганликлари, туҳмат тошининг зарбалари ҳақида гапириб, барчани шу осуда, доримомон кунлар қадрига етиш, мустақиллигимизни мустаҳкамлашга даъват этдилар.

Қорасув шаҳри чегара ҳудуд. Унинг ёнгинасидан қўшни Қирғизистоннинг Ўш шаҳри бошланади. Ўртадан катта сой оқиб ўтади. Ҳаёт бир маромда кечмоқда. Шаҳар ҳокими Д.Шерматовнинг таъкидлашича, «Пахтабанк» орқали кам таъминланган 231 фуқарога имтиёзли кредит ажратиш масаласи ўз ечимини топибди. 500 ўринли янги тикув фабрикаси қурилиши ҳақидаги лойиҳа ҳам тайёр. Демак хотин-қизларнинг орзуси амалга ошади. Шу кунларда қатор объектлар сифатли таъмирдан чиқарилмоқда. Ҳа, кун сайин шаҳар чиройига-чирой, файзига-файз қўшилмоқда.

**Собиржон РЎЗИМАТОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

ПРОФЕССОР МУХТОР ЭШБЕКОВ:

# СОҒЛИҚҚА ЛОҚАЙДЛИК

## жамият келажагига бепарволик билан баробар

***Эсида, Сеул шаҳри кўчаларида ҳаёт қайнарди, лекин касалхоналари жимжит, сокин... Хонага кириб келган шифокор ҳам, ҳамшира ҳам беморни сўроққа тутмайди, аксинча кароватлар ёнига ўрнатилган компьютер экранларига бирма-бир термулади, уларда ҳар битта бемор ҳақидаги барча маълумотлар қайд этилган! Корейс болалари мактабларда қўшимча дарс сифатида тиббиётдан сабоқ олишаркан. «Қанийди, бизда ҳам ҳеч бўлмаганда инсон ҳаётига хавф соладиган хасталиклардан мактаб ўқувчилари хабардор бўлиб боришса?!» дея ўз мулоҳазаларини билдирганди у Жанубий Корея сафаридан қайтгач.***

Сафарлар, анжуманлар, катта-кичик йиғинлар қайсидир жиҳатлари билан шифокорнинг маънавий оламини бойитаётгандай бўлади, ақлига ақл, кучига куч қўшади, гўё. Шунинг учун ҳам доимо сафарлардан кейин иш режаларига ўзгартиришлар олиб киради, чет элларда ўрганганларининг ибратли томонларини ўзлаштиришга эришади. Аслида изланувчанлик жамоага фақат яхшиликлар келтиришини Мухтор Эшбеков давраларда қайта-қайта таъкидлайди, ўзи ҳам интилувчанлиги туфайли тиббиёт фанлари доктори бўлди, етук олим сифатида обрў қозонди. Айни пайтда у раҳбарлик қилаётган республика шошилинч тиббий ёрдам илмий Марказининг Жиззах филиалида кўплаб шифокорлар номзодлик илмий даражасини олишга шай, хасталикларни бартараф этишга қаратилган юздан ошиқ илмий мақолалар ёзилди. Бундан ташқари, Марказнинг илмга чанқоқ мутахассислари томонидан «Туманлардаги шошилинч тиббий ёрдам хизматини ташкил этиш асослари», «Қорақурт чаққанда шошилинч ёрдам кўрсатиш», «Кислоталар билан заҳарланганда шошилинч ёрдам кўрсатиш» сингари бир қанча услубий қўлланмалар яратилдики, Мухтор Эшбеков етакчилигида пишиқ-пухта ишланиб меъёрига етказилган бу зарурий ҳужжатлар вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси томонидан тасдиқланди ва эндиликда кенг миқёсда амалга оширилмоқда.

«...Тиббиёт ходимларини тайёрлаш ва малакаларини ошириш, шу билан бирга одамларда ўз саломатлигини асраш бўйича тўғри ва фаол муносабатни шакллантириш каби масалаларга алоҳида эътибор бериш зарур» дегандилар муҳтарам Президентимиз ушбу йилимизни «Сиҳат-саломатлик йили» деб эълон қилаётганларида. Шу жиҳатдан қаралганда Мухтор Эшбеков ҳам соғлиқни сақлаш тизимида орттирган узоқ йиллик тажрибаларига асосланиб марказда ўз мактабини яратгани ва шифокорларнинг илмли бўлишларига ҳисса қўшиш баробарида минглаб беморларнинг ишончини қозонаётгани ҳақиқат. Олим билан суҳбатимиз у раҳбарлик қилаётган марказдаги ижобий ўзгаришлар хусусида кечди.

– Филиалимизда ҳар йили 12-13 минг киши стационар шароитида даволаниб чиқмоқда, – дейди у. – Қабул бўлимида эса 10 минг беморга малакали амбулатория ёрдами кўрсатилади. Шу вақтгача 25 мингдан ортиқ одамга чақириқ асосида зудлик билан тиббий ёрдам берилди. Бир йил ичида минглтадан ошиқ жарроҳлик иши бажарилади. Умуман, аҳолига сифатли ва самарали тиббий ёрдам кўрсатиш учун имкониятларимиз етарли, замонавий тиббий жиҳозлар сотиб олганмиз. Лекин ҳамма гап шундаки, бизга мурожаат этаётган беморларнинг аксарияти ўз соғликлари учун аввало ўзлари масъул эканлигини фаҳмлашмайди. Кўпчилиги хасталанса ўзларича даволанишади, бу орада вақт ўтиб дард улғаяди. Шунинг учун ҳам келаётган ҳар юз беморнинг қарийб 95 тасида касаллик сурункали тус олиб, жароҳатлар йиринглаб кетганининг гувоҳи бўлаяпмиз...

– Вилоятнинг туманлари бир-биридан анча узоқликда жойлашган, айниқса дашт қишлоқлари аҳолисига тез тиббий ёрдам кўрсатиш бироз қийинчиликлар туғдирса керак-а? – дейман мен.

– Олис қишлоқлар аҳолиси ўртасида бронхиал астма, ўткир аппендикс, ичак тутилиши, буйракда тош пайдо бўлиши сингарилар ҳудудий касаллик сифатида кўп учрайди, – дейди Мухтор Эшбеков. – Биз уларни имкон қадар тезгина даволаймиз, аммо масаланинг бошқа томониям бор-да. Бир киши хасталанса, у яшаётган хонадон аҳлининг тинчи бузилади, шу оилага моддий ва маънавий зарар етади. Агар беморлар сони кўпайса-чи? Бутун жамият бундан жабр кўради! Қаранг, ўз соғлигимизга лоқайдлигимиз жамият келажагига бепарволик билан баробар экан. Демак, аҳоли ўртасида тиббий саводхонлик даражасини оширишимиз даркор. Хўш, қандай қилиб? Оддий мисол. Болага ҳар куни «қўлингни юв» деган гап шунчаки айтилади, аммо қўлни ювмаслик оғир юқумли хасталикларни келтириб чиқариши чуқур тушунтирилмайди. Оқибатда ўғил ё қиз кўпинча овқатдан олдин қўл ювишни унутади ва бирор касалликни ўзига юқтириб олади. Ота-оналар ҳам баъзан қўл ювгич олдида доимо совун туриши, оиланинг ҳар бир аъзосига алоҳида сочиқ қўйилиши зарурлигига унчалик аҳамият беришмайди, бу эса гигиена учун жуда муҳимдир. Хорижий юртларда бўлганимда кўп кузатганман, улар соғлом пайтларида ҳам тиббий кўрикдан ўтиб, ўзларини текширтириб туришади. Нега бизда шундай эмас? Ахир доимо соғ-саломат яшаш биз хуш кўрадиган жамики неъматлардан устун туради-ку! Буни кишиларимиз қачон тушуниб етишади?

Мухтор Эшбековнинг куюниб сўзлагани бежизга эмас. Агар ҳар биримиз саломатлигимиз билан боғлиқ муаммоларни ўз вақтида ҳал этишга ошиқсак, хасталик биздан дарров чекинади, бу эса нафақат ўзимизга, ён-атрофимиздагиларга, маҳалламизга, қолаверса, юртимизга наф келтиради. Ахир қудратли давлатни соғлом одамларгина барпо эта олишади.

**Г.ЖАМИЛОВА**



Ташаббус



## БИТИРУВЧИЛАР

### китоб совға қилишди

Дўстлик туман халқ таълими бўлими тасарруфида 19 та мактаб бўлиб, 2004-2005 ўқув йилини 1700 нафар ёш муваффақиятли тамомлади. Барча битирувчилар ўзлари таълим-тарбия олган илм масканлари кутубхоналарига китоб совға қилишди. Шу йўл билан мактаб кутубхоналарида 2 мингдан ошиқ бадиий китоблар тўпланди.

**Суратларда: А.Қаҳҳор номли 1-умумий ўрта таълим мактабида битирувчилар китоб совға қилишаётган пайт.**

**Б.НОРҚУЛОВ олган суратлар**

## ҚАШҚАДАРЁЛИКЛАР БИРИНЧИ

Қарши шаҳрида каратэ бўйича мамлакат очиқ биринчилиги мусобақалари бўлиб ўтди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлардан олти юзга яқин спортчи иштирок этди.



Беллашувларда Қашқадарё вилояти каратэчилари ўз устунликларини кўрсатишди. Жумладан, С.Омонтоев, Ш.Қурбонов, Ф.Саидов, Ш.Ортиқов, Ш.Аҳадов, Н.Хўжаев, Н.Каспулатов, Д.Муродиллаев, У.Шаймардонов рақибларини мағлуб этиб, шоҳсупанинг энг юқори поғонасидан жой олдилар.

Умумжамоа ҳисобида мезбонлар биринчи, Тошкент вилояти вакиллари иккинчи ва сурхондарёлик спортчилар учинчи ўринни қўлга киритди.

**(ЎзА)**

*Бугуннинг одамлари*

# ... ЎЗ ЭЛИМНИНГ ЯНТОҒИЧА КЎРИНМАС

***Сарҳадсиз саҳро ақлни шоширади. Қум қуюни ажина ўйин қилиб, чанг кўрпасига ўрайди. Семиз-семиз жингалак қўйлар маъраб, қум остидан егулик излайди. Ўтов ичидаги қисиқ кўзли, лобар жувон каттагина тоғорадаги шубатни шопиради.***

Эр-хотин Пирбой ва Байрамкўл Сарсенбаевлар 520 туёқ қўйни боқади. Бу йил уларнинг тоза омади келди. 520 туёқ қўй яна шунчага ортди. Пировардида Сарсенбаевларнинг ўз қўйлари ҳам кўпайди. Учқудуқ туман ва шаҳар ҳокимлигининг, ширкат хўжалигининг талай совғаларини олишди. Байрамкўл Сарсенбаевани "Шуҳрат" медали соҳибаси сифатида ҳам эл-юрт ардоқлайди. "Мингбулоқ" ширкат хўжалиги чўпонлари каби "Юз қудуқ" ширкат хўжалигида ҳам Сарсенбаевлар сингари моҳир чўпонлар оз эмас. Хўжалик тумандаги етакчилардан бири ҳисобланади. У асосан чорвачиликка ихтисослашган бўлиб, 25 минг 280 туёқ ушоқ моли (қоракўли қўйлари), 941 бош йилқиси, 375 бош туяси бор. Булардан келаётган даромад дуруст бўлаётир. Иқтидорли раис Абдували Даулетовнинг ишбилармонлиги ва жонкуярлиги туфайли хўжалик моддий жиҳатдан юксалиб бораётир. Натижада аҳолининг яшаш тарзи ҳам ёмон бўлаётгани йўқ.

Шу ҳудуддаги "Бўздунё" фуқаролар йиғини ибратли фаолият юритмоқда. Унга овулнинг бообрў кишиларидан бири Жумакелди Нурлибоев раҳбарлик қилаётир. Эл ўртасида унинг ва маслаҳатчи Нинагул Пўшаеванинг обрўси бор. Уларсиз тўй ўтмайди, бошқа маросимлар ҳам. Хўжалик раиси Абдували Даулетов ҳамиша улар билан ҳамфикр. Уларнинг, қолаверса, бошланғич касаба уюшма қўмитаси раиси Марс Ермановнинг гапи бир жойдан чиқади. Шунинг учун ҳам бу масканда 1400 нафар аҳолининг ижтимоий ҳимояси кўнгилдагидек. Маълумки, саҳрода яшаш осон эмас. Лекин улар бор имкониятдан унумли фойдаланяптилар. Мавжуд шифохона, боғча, мактаб бинолари замон талабига жавоб бермайди. Бироқ бу жойлар таъмирланиб, зарур шарт-шароит яратилишига ҳаракат қилинаётир.

Эл ўзига тўқ, аммо йўқсиллар ҳам йўқ эмас. Жами 54 та кам таъминланган оила доимо кўпчилик эътиборида. Уларга мунтазам равишда моддий ёрдам кўрсатиб турилибди. Саҳрои-даштда сув тақчил, хўжалик ижтимоий ҳимояга муҳтож кишиларга бепул ичимлик суви олиб келиб бермоқда. Иккинчи жаҳон уруши фахрийси Қазибек Бозоровга 9-Май Хотира ва Қадрлаш кунида той миндирилди ва пул мукофоти берилди. Байналмилал жангчи Сакибек Қаюмов ҳам пул мукофоти ва 2 тўқли олиб чандон қувонди. Боқувчисини йўқотган 18 нафар кишига ҳамиша гўшт, ёғ ва бошқа ёрдамлар бериб турилибди. Собиқ меҳнат фахрийси, кекса онахон Бўлғон Серсенбаева вафот этганида хўжалик томонидан 4 туёқ тўқли, 3 қоп ун, шакар, ёғ ажратилди. Меҳнат фахрийси Райхон Дўсмановнинг таъзиясида ҳам катта ёрдам кўрсатилди. "Қулқудуқ" овулидаги "Ерлар ота" ва бошқа ҳудуддаги "Горный" болалар оромгоҳларида хўжалик аҳлининг 65 нафар ўғил-қизи дам олдирилиши кўзда тутилганди. Биринчи мавсумда буларнинг бир қанчаси хордиқ чиқаряпти. Тиббиёт шохобчасида 14 нафар ўрта махсус маълумотли ходимлар фаолият кўрсатаётир. Аммо врач йўқ. Бу эса ўз навбатида қатор муаммолар келтириб чиқараётир. Хўжалик раҳбарияти мавжуд муаммони ҳал этиш ниятида шу ерлик талабаларни шартнома асосида шифокорликка ўқитишга қарор қилди. Шубҳасиз бу масалани ҳал этиш мумкин. Қарор ва ният ўз кучида бўлса бас. Шунингдек, камқон хасталигига йўлиққан аёлларга ҳам меҳр-оқибат кўрсатилаётир.

Дарҳақиқат, меҳр-мурувват бор жойда файз бор, барака бор. "Бир кун жанжал бўлган уйдан, қирқ кун барака кўтарилади", дейдилар. А. Алдангаров ичкиликка ружу қўйди-ю, хонадонидан осойишталик йўқолди. Кўзмунчоқдек болалар эшикдан масталаст кириб келадиган оталарини кўриб, тераканинг баргидек титраб ўтиришар, муштипар онаизорлари не қилишини билмай кўзига зўр берарди. Охир оқибат фуқаролар йиғини таркибидаги "Яраштирув" комиссияси аъзолари аралашишга мажбур бўлишди. Саъй-ҳаракат зое кетмади. Яратган Алдангаровга инсоф берди шекилли, у ичкиликни ташлади. Бундай мисоллар кўп. "Юз қудуқ"да 300 нафардаги ортиқ вояга етмаганлар бор. Уларнинг хатти-ҳаракати доимий назоратда. Тўғрисини айтганда, болаларнинг бекорчи вақтлари ҳам йўқ. Умуман улар ўртасида жиноятчилик содир этилмади. Овул ёшлари спортга меҳр қўйишмоқда. Дарсдан, қўй-қўзилардан бўшаган дамлар футбол, волейбол, теннис майдонлари ўспиринлар ва бошқа спорт ишқибозлари билан гавжум.

Қизилқум бағрида ҳаёт давом этаётир. Инсон ёзмишидан кечолмайди. Ўрганган жойига илдиз отади. Саҳройилар ўз саҳроларини ҳадҳудудсиз меҳр билан севадилар. Шоир: "ўз элимнинг янтоғинча кўринмас" деганидек, "Юз қудуқ"ликлар ҳам саҳронинг шамол учирган қумли адирлари, ложувард юлдузли тунлари, бархანлар-у, саксовулларини дунё жаннатига алишмайди.

**Ш.ИСКАНДАРОВА,**
**"Ишонч" мухбири**

## «НЕФТЧИ» ЎНГЛАНЯПТИ...

Футбол бўйича Ўзбекистон XIV миллий чемпионатининг олий лигасида 12-турнинг сўнгги учрашуви Фарғонада «Нефтчи» ҳамда Тошкентнинг «Локомотив» жамоаси ўртасида бўлиб ўтди.

Мазкур учрашув кўпчилик мухлису мутахассислар қизиқишига сабаб бўлди. Чунки биринчи давра якунига келиб тошкентликлар юқори поғоналарга даъвогарлар сирасига қўшилиб улгурганди. Фарғоналиклар эса ўн



тўрт йилдан буён илк маротаба биринчи даврада беш марта мағлубиятга учраб, мухлисларини ташвишга солиб қўйган эди.

Фарғонада уч очко олиш жамоани учинчи ўринга кўтаришини яхши билган «Локомотив» вакиллари ҳам мезбонларга жиддий қаршилик кўрсатишга уринди. Биринчи бўлим давомида «Нефтчи» ҳужумчилари пойтахтликлар дарвозасига йўл тополмади. Ҳатто, 32-дақиқада Анвар Бердиев ҳакам томонидан «Локомотив» дарвозаси томон белгиланган пенальтидан ҳам фойдалана билмади.

Беллашувнинг иккинчи ярмида фарғоналиклар устунликни бутунлай ўз қўлига олди. Айниқса, иккинчи бўлим бошланиши билан Юрий Саркисян шогирдлари «Локомотив» дарвозасига кетма-кет шиддатли ҳужумлар уюштирди. Дарвозабон Юрий Цой тўққиз дақиқа ичида Носир Отақўзиев, Акмал Холматов ҳамда Анвар Абдуқодиров йўллаган тўпларни ўз дарвозасидан олиб чиқишга мажбур бўлди ва «Нефтчи» 3:0 ҳисобида олдинга чиқиб олди. Ўйин тугашига бир дақиқа қолганида фарғоналикларнинг иқтидорли ҳужумчиси Анвар Абдуқодиров «Локомотив» дарвозасини яна бир бор ишғол қилиб, «дубл»ини нишонлади.

Шундай қилиб, «Нефтчи» футболчилари асосий рақибларидан бирини 4:0 ҳисобида мағлубиятга учратди. Ўн иккита учрашувдан еттитасини ўз фойдасига ҳал қилган фарғоналиклар мусобақа жадвалида тўртинчи ўринга кўтарилиб олди ва яна медаллар учун курашга қўшилди.

## ЯҚИН ИЛМИЙ ҲАМКОРЛИКДА

Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомчилик ва дизайн институти хориждаги қатор мамлакатлардаги маданият ва санъат олий ўқув юртлари билан ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйиб келмоқда. Ташкил этилаётган халқаро илмий анжуманларда профессор-ўқитувчилар фаол иштирок этиб, муштарак мавзулардаги изланишлари бўйича илмий чиқишлар қилишмоқда.

Англиянинг Оксфорд университетида яқинда уюштирилган халқаро конференцияда эса профессор Мамлакат Юсупова «Ўзбекистон меъморчилик санъати тарихи» деган мавзуда маъруза қилди.

Бунда ташқари «Ўзбекистон рангтасвир санъати», «Шишасозлик санъати» каби мавзуларда олиб борилган изланишлар Америка ва Японияда ўтказилган анжуманларда яхши баҳо олди.

## МАРКЕТИНГ ЛОЙИҲА

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигига қарашли фан-техника ва маркетинг тадқиқотлари маркази томонидан олиб борилаётган изланишлар туфайли ахборот манбаларини шакллантиришга доир қатор янгиликлар юзага келди. Масофавий таълим ва тест ўтказиш тизимининг яратилиши ҳам муҳим таълимий аҳамият касб этди.

Республика Давлат тест маркази ёрдамида юзага келган бу янги тизим абитуриентларни ўқув даргоҳларига кириш учун тест синовларига тайёрлаш билан бирга улар билимларини баҳолаш, ўқитувчи-раҳбар ходимларни аттестацияга ҳозирлаш жараёнларида ҳам қўл келади.

Янги лойиҳанинг муҳим томони яна шундаки, кирилл ёзувида битилган матнларни тезда лотин алифбосига ўтказиш имконини беради. У турли электрон ўқув адабиётлари билан ҳам тўлдириб борилади.

**А.АЛИЕВ**



*Турмуш чорраҳаларида*

# ОНА МЕҲРИ

***Она сўзи мағрур жаранглайди. Бу иборани ёшлигимиздан эшитиб келамиз. Ҳаётда бунга амал қилиб ҳам бўлмаётган фарзандларни кўриб, ҳавасимиз келади. Қанийди ҳамма ҳам шундай бўлса, дея орзу қиламиз. Лекин шундай кўрнамаклар ҳам борки, уларни инсон дея аташга тил бормайди.***

Бир йили хизмат сафарига жўнаш олдидан темирйўл вокзалига чиқдим. Ўрта бўйли, малла ранг сочли аёл эътиборимни ўзига тортди. Одмигина кийинган, лекин қўлига қарадиму, ҳайрон бўлиб қолдим. Бир қарашдаёқ ёшликда ниҳоятда гўзал бўлганлиги сезилиб турган аёлнинг чап қўл панжаси тўмтоқ эди. Суҳбатдош истаб турган эканми, ўзи гап бошлади.

- Ўғлимнинг олдига кетаяпман. Ҳозир Сергей турмада. Унга пенсиямдан орттириб, озиқ-овқат, бир сидра ички кийим-кечак олдим. Яқинда туғилган куни. Боласи тушмагурнинг ўзи ниҳоятда шўх чиқди. Қамашмасдан илгари ҳар куни бир балони бошлаб келарди, - кейин мулойимгина кулимсираб қўйди. - Ёшлигида бирам мулойим бола эди-ки, асти қўяверасиз.

Гап орасида мен унинг қўлига нима қилганлиги ҳақида сўрадим.

- Айтяпман-ку, ўғлим кўп ичарди. Баъзида пул сўрарди. Бермасам тўполон қилиб, жанжал кўтарарди. Ҳатто тутиб олиб урган пайтлари ҳам бўлган. Бир куни одатдагидек маст бўлиб келди. Яхши гапириб ухлатдим. Эрталаб туриб яна эски ҳунарини бошлади. Пулим йўқлигини айтдим. Нима қилиб бўлса ҳам топасан, дейди. Кошки эди менда ўша пул бўлса! Ахир калтакка кимнинг тоби бор. Шу пайт ярамас қўлида болта билан кириб келса бўладими! Панжамни шартта чопиб ташлади. Ҳушимдан кетиб қолибман, - у шундай дея тўмтоқ бармоқларини кўрсатди.

Мен аёлдан ўша ўғлингизнинг олдига кетаяпсизми, дея ҳайрон бўлиб сўрадим:

- Менинг ахир ундан бошқа кимим бор, - деди майингина қилиб аёл. - Ўтган сафар хат ёзиб шамоллаб қолганини айтибди. Мана шунга ҳар хил дори-дармонлар олдим.

У шундай дея қопчиғини уриб қўйди.

Во ажаб, безори ўғил ўз волидасига жароҳат етказибди-ю, она эса ҳамон фарзанди томон талпинади. Ахир бундай сахий қалб кимда бор?! Шу фикрлар хаёлимдан ўтар экан, яқингина бўлиб ўтган яна бир воқеа ёдимга тушди.

Хадича хола ёлғиз ўғли Зокирни емай-едириб, ичмай-ичириб катта қилди. Лекин, боласи тушмагур ажабтовур одат чиқарди. Сал нарсага онасини силтаб ташлайдиган, унга паст назар билан қарайдиган бўлиб қолди.

Онаизор кечалари "тиқ" этса, эшикка тикилиб ўтирарди. Баъзида йиғлаб ҳам оларди. Негаки, бутун маҳалладаги у тенгилар онасининг бағрида ўтирсаю, Зокир аллақаёқларда тентираб юрса.

Бир куни хола девор-дармиён қўшниси Ҳусниддин акага кенгаш солди.

- Ўзим ҳам анчадан буён сиз билан гаплашмоқчи эдим, синглим. Сезиб юрибман. Зокирнинг оёқолиши бошқача. Тунов куни бироз маслаҳат қилгандим, пешонаси тиришди. Ахир, иш шундай кетса, панд еб қолиши ҳеч гап эмас. Хуллас, насиҳатим унга ёқмади. Лекин уни бу йўлдан қайтарилмаса, оқибати хунук бўлиши аниқ.

Хадича холанинг кўнгли баттар ғаш тортди. Ёлғиз фарзанди. Бутун орзу-умидлари шундан. У обдон ўйлаб, ўғли билан очиқчасига гаплашиб олишга аҳд қилди. Шу куни кечаси соат бирларга яқин эшик тақиллади. Остонада турган ўғлидан ароқ ва тамаки ҳиди анқирди.

- Ҳа, нимага қараб турибсиз? Маймун ўйнатяпманми?! Ҳамма айб сизда. Нега ҳамма болалар отасини даврида "ялло" қилиб юришибди-ю, мен бўлсам елкамни яғирини чиқариб ишлашим керак?!

Хадича хола ўзини тута олмай йиғлаб юборди. Унинг эски яраси янгиланди. Турмуш ўртоғи билан Зокир ёшлигидаёқ ажрашиб кетишган. Бунга ўзини бутунлай айбдор деб ҳисобламасада, ўғли катта бўлгач ўзи тушуниб олар, дея юпаниб юрарди.

- Ўғлим, пешона экан. Лекин сени ўкситмай, бировдан олдин, бировдан кейин тарбияладим.

Зокир унинг гапига қўл силтаб ташлади. Орадан кўп ўтмади, бегона йигитлар билан уришиб қамалиб кетди. Кутулиб чиққан куни Ҳусниддин ака уларникига чиқди. Икковлари узоқ суҳбатлашишди.

- Амаки, ўша вақтда сизнинг гапингизга кирмай хато қилган эканман. Ўртоқларим ҳамма ишни менга ағдариб, ўзларини қуруққа олиб қочишди. Кўзим энди очилди. Лекин, энди кеч эмасмикан?

Ҳусниддин ака далда берди:

- Энди бу ёғига маҳкам бўл. Катта ўғлим Нажмиддин билан гаплашай. Қўли гул уста. Унинг ҳунарини олсанг, кам бўлмайсан. Бунинг устига онанг ҳам қариб қолди. Уйланиб, оғирини енгил қил. Сендан кутиб юрган орзу-ҳаваси бор. Онангнинг дуосини ол.

Орадан кўп ўтмай Зокир уйланди. Ҳозир уч нафар фарзанди бор. Эр-хотин Хадича холани ўтказгани жой топа олишмайди. Уларнинг ҳаётларини кузатар эканман, ҳар бир инсоннинг иродасига, хатти-ҳаракатига қараб ҳаёт тарзи кетаверар экан-да, дея ўйланиб қоламан.

**Н. РАФИҚОВ**

ISHONCH

МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати:
Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Зайниддин Риҳсиев, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзоҳид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.

E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78;
Хатлар бўлими 56-85-43;

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди - 21.50

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 035-рақам билан рўйхатга олинган.

IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Буюртма Г— 616

12345